Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 2 февраль шанба

Сотувда эркин нархда

№ 25 (2853)

## Марказий сайлов комиссиясининг 2002 йил 27 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари тўғрисидаги ахбороти

Марказий сайлов комиссияси 27 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми якунларини кўриб чиқди. Умумхалқ референдуми кенг демократик асосда, очиқ ва ошкора, кенг жамоатчилик вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари кузатувчилари иштирокида ўтганлиги қайд этилди. Референдум қатнашчиларига ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун барча имкониятлар яратиб берилди. Референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган 13.266.602 нафар фуқароларнинг 12.113.070 нафари ёки 91,58 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари тўғрисидаги Баённи тасдиқлади. Ушбу Баёнга кўра "Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?" деган биринчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.344.242 нафари ёки 93,65 фоизи ёқлаб, 768828 нафари ёки 6,35 фоизи қарши овоз берган.

"Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?" деган иккинчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.117.841 нафари ёки 91,78 фоизи ёқлаб, 995229 нафари ёки 8,22 фоизи қарши овоз берган.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг референдуми бўлиб ўтгани ва умумхалқ овозига қўйилган масалалар фуқаролар томонидан маъқуллангани ҳақида қарор қабул қилди.



*Ерни экишга тайёрлаш, унга уруғ қадашдан тортиб ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар қанча-қанча ишлар бажарилади. Бу юмушларни эса техникасиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис Уйчи туманидаги Абдували Мўминов номли ширкат хўжалигида ҳар йили техника воситаларини созлаш ва таъмирлашга алоҳида эътибор берилади. Бу йил ҳам мазкур жамоада мавжуд тракторлар, машина-механизмлар ва мосламалар баҳорги экиш мавсумига барвақт шайлаб қўйилди.*

*— Бизда барча техника воситалари ишончли қўлларда, — дейди хўжалик марказий устахонаси мудири Мамасоли Худойбердиев. — Чунки созловчилар, таъмирловчилар, механизаторларимизнинг ҳаммаси ўз касбининг усталаридир. Улар, ишонаманки, жорий йилда ҳам деҳқонларимизнинг ҳақиқий мададкори бўладилар.*

**СУРАТДА:** моҳир механизатор Ёқубжон Қаюмов.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Ўзбекистон делегациясининг ташрифи

***Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Пекинда бўлиб қайтди. Ташриф муҳим санага — мамлакатимиз ва ХХР ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган куннинг 10 йиллигига бағишланди.***

Ташриф давомида Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг Умумхитой халқ вакиллари мажлиси раиси Ли Пэн билан бўлиб ўтган учрашуви чоғида Хитой парламенти спикери икки мамлакат раҳбарлари ўртасида яқин дўстона алоқалар мавжудлигини алоҳида таъкидлади. "Ўзбекистон ва Хитой етакчиларининг яхши анъанага айланиб қолган мунтазам учрашувлари икки мамлакат ўртасида барча соҳалардаги ҳамкорликнинг муваффақиятли ривожланишига кўмаклашиши шубҳасиз".

Шу билан бирга Ли Пэн мамлакатимизнинг Марказий Осиёда муҳим ўрин тутишини таъкидлар экан, Хитойнинг Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрлигини, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида парламентлараро алоқаларни кенгайтиришга тарафдор эканлигини билдирди.

Ташриф давомида Ўзбекистон делегациясининг ХХР Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган музокараларида Хитой ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг ўринбосари Ли Чжаосин Ўзбекистон Республикаси ва ХХР ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган ўн йиллик давр мобайнида ўзаро ҳамкорлик ўсиб борганлигини таъкидлади. "Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги муносабатлар ҳам икки томонлама алоқалар ривожланишнинг анча юқори босқичига ўтганлигининг ёрқин далилидир".

Хитой ҳукуматининг 130 миллион юан миқдоридаги иккита кредит битимини рўёбга чиқариш, шунингдек, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги маданий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон делегациясининг ушбу ташрифи ҳамда яқинда ХХР давлат кенгаши аъзоси Исмоил Аймат бошчилигидаги Хитой делегациясининг мамлакатимизда бўлгани, Хитой ижтимоий-сиёсий доиралари вакилларининг фикрича, давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишига йўналтирилгандир.

**"Жаҳон" АА.**

## КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

***Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Бош вазир ўринбосари, Кенгаш раиси Р.Азимов бошқарди.***

***Мажлисда 2001 йилдаги иш якунлари кўриб чиқилди. Таъкидландики, ўтган йили Ислом Каримов томонидан кичик ва ўрта бизнеснинг тезкор ривожланиши учун шароит яратиш бўйича белгилаб берилган вазифалар изчил амалга оширилаётгани туфайли иқтисодиётнинг бу соҳасини ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилди.***

Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги солиштирма салмоғи йил давомида 31 фоиздан қарийб 3 фоизга ўсди ва 33,8 фоизни ташкил қилди, шу жумладан, деҳқон хўжаликларини инобатга олмаганда 21,6 фоиздан 24,4 фоизга етди. Фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони республиканинг ҳар минг нафар фуқаросига нисбатан 6,0 тадан 7,1 тага кўпайди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига 372 мингта янги иш ўрни ташкил этилди, бу 2000 йилдагидан 180 мингтага кўпдир.

Кичик ва ўрта бизнесни тезкор ривожлантириш учун қўшимча шароит яратиш бунга ёрдам берди. Чунончи, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш суд тизимини шакллантириш давом этмоқда. 2001 йилнинг 1 октябридан тадбиркорлик субъектларини "бир жойда рўйхатдан ўтказиш"нинг янги, соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Кичик ва ўрта бизнес учун кадрлар тайёрлаш соҳасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида 155 та ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи қурилиши режалаштирилган.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти эркинлаштирилди, натижада улар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот (ишлар, хизматлар) экспортидан тушаётган валюта маблағларининг бир қисмини мажбурий тарзда сотишдан озод қилинди, шунингдек, уларга нақд хорижий валютага экспорт қилишга рухсат берилди.

Ўтган йили фаолиятини бошловчи кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги шакллари жорий этилди. Улар бошланғич капитални шакллантириш учун тижорат банкида имтиёзли шартлар билан кредит олиши мумкин. Лизинг, суғурта хизматлари тизимини, кредит иттифоқларини кичик ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатадиган ва банкка оид бўлмаган бошқа молиявий институтларни ривожлантириш учун шароит яратилди.

Банкларнинг ўз маблағлари ҳисобига кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми анча ўсди. 2001 йилда кичик ва ўрта бизнес субъектларига 144,3 миллиард сўм (мўлжалдагига нисбатан 143 фоиз) ажратилди, бу 2000 йил кредитларидан 1,5 марта кўпдир. Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредит маблағлари қолдиқлари 2001 йил давомида 2,4 марта ўсди ва 326,4 миллиард сўмга етди, бунинг 69,3 фоизи ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредитлардир. Имтиёзли кредитлаш жамғармаларига ажратилган 16,9 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини кредитлашга йўналтирилди.

Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялашга 1 миллиард сўм ажратилди. 628 та бошловчи кичик ва ўрта бизнес субъектига бошланғич капитални шакллантириш учун 2001 йилнинг октябрь-декабрь ойларида 533 миллион сўм ажратилди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун жалб этилган хорижий кредит линиялари ҳажми 350 миллион АҚШ долларини ташкил этди, улардан 299,6 миллион АҚШ доллари, шу жумладан, 2001 йилда 78,8 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида тадбиркорларнинг фаолияти жонлантирилди, кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони анча ортди. 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 201,9 мингта кичик ва ўрта бизнес субъекти рўйхатга олинди (ўсиш 10,3 фоиз), улардан 34,2 мингтаси 2001 йилда рўйхатга олинди. Фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг солиштирма салмоғи 81 фоиздан 88 фоизга ўсди.

Шунингдек, ўтган йили ишлаб чиқариш соҳасида ҳам кичик ва ўрта бизнес субъектларининг солиштирма салмоғи 63 фоиздан 66 фоизга етди.

2001 йилда улгуржи ва биржа савдоси тизими ислоҳ қилинди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси, Агросаноат биржаси, "Ўзулгуржисавдо" орқали моддий-техника ресурсларини сотиш ҳажми 106 миллиард сўмни ташкил қилди, бу 2000 йилдагидан 2,5 марта кўпдир. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган 65,5 миллиард сўмлик маҳсулот сотилди (1,8 марта кўп). Кичик ва ўрта бизнес субъектларига хизмат кўрсатиш бўйича кичик улгуржи савдо айланмаси мўлжалда 4,1 миллиард сўм кўзда тутилган ҳолда 13,6 миллиард сўмни ташкил этди.

Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида катта ишлар қилинди. 2001 йилда хўжалик субъектларини режали текширишлар сони 41 фоизга қисқарди. 170 минг нафар тадбиркор «Текширишларни рўйхатга олиш дафтари» билан таъминланди.

Адлия идоралари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларининг 2,8 мингта ариза, шикоят ва мурожаатларини кўриб

(Давоми 2-бетда).

***Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А.Касьяненко оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.***

***Анжуман Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги яқин муносабатларга, ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамкорликнинг бугунги аҳволига бағишланди.***

## ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА: ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

— 1999 йил октябрь ойида Украина билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган ўн йиллик дастур қабул қилинган, — деди А.Касьяненко. — Украина ва Ўзбекистон президентлари имзолаган ушбу ҳужжат 1999-2008 йиллар давомида мамлакатларимиз ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришни ва шу орқали халқларимиз фаровонлигини оширишни кўзда тутади.

Айтиш жоизки, ҳозир ушбу дастур асосида ҳамкорлик йилдан йилга кенгайиб бораётир. Масалан, 1999 йилдан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йилига ўртача 30 фоиздан ошиб борди. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 372 миллион АҚШ долларига тенглашди. Яъни, Украина Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамкорлари орасида Россия ва Жанубий Кореядан кейинги ўринга чиқди.

Бугунги кунда Украинанинг йирик компаниялари Ўзбекистон бозорига тобора фаол кириб келаётганини кузатиш мумкин. Жумладан, "Украина нефтегаз" миллий акциядорлик компанияси мамлакатимиздаги нефть ва газ конларини ўзлаштиришда иштирок этишга катта қизиқиш билдирмоқда. Ҳозир украиналик мутахассислар ушбу лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини ўрганиб чиқмоқда. Шу кунларда Украинанинг катта делегацияси Ўзбекистонда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида музокара ўтказмоқда. Бундай мулоқотлар ва яқин ҳамкорликни халқ хўжалигининг турли, жумладан, авиасозлик, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат соҳаларида ҳам кузатиш мумкин.

А.Касьяненко ўзининг мамлакатимизда бўлиб ўтган референдум ҳақидаги фикрлари билан ҳам ўртоқлашди. У Украинадан кузатувчиларнинг катта делегацияси келганини, тадбир халқаро қонун-қоидаларга тўла мос равишда, демократия тамойиллари асосида ўтганини, одамлар кўтаринки руҳда фаол овоз берганини алоҳида таъкидлади.

— Ушбу сиёсий воқеа Ўзбекистонда демократия янада равнақ топишига, давлат бошқаруви такомиллашувига, ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг либераллашишига ижобий таъсир этади, — деди элчи.

**С.РАҲИМОВ, ЎзА мухбири.**

***Биз танлаган йўл***

## ЛАРЗАЛАРДАН ХОЛИ ИҚТИСОДИЁТ

***Ўтмишда бепоён ҳудудлари, беқиёс иқтисодий ва ҳарбий қудратлари билан дунёни титратган не-не салтанатлар бўлган. Уларнинг кўпчилиги тарих синовларига бардош бера олмай парчаланиб кетди, айримларининг эса бўлакларигина мустақил давлат сифатида сақланиб қолди.***

***Тарихнинг ана шундай қамровли мезонлари асосида қараганимизда ҳам ишонч билан айтиш мумкинки, Ватанимизда ўта қисқа фурсат ичида Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ҳам назарий, ҳам амалий раҳбарлигида ҳар қандай ташқи ва ички таъсирларга бардош бера оладиган мустақил давлат барпо этилди.***

Мустақиллик йилларида жамиятимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Аввало, давлатнинг иқтисодий мустақиллиги ва аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлай оладиган, жаҳон андозаларига мос келадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш модели яратилди ҳамда изчиллик билан амалга ошрила бошланди. Натижада шўро давридан қолган ва тўраларча бошқарув услубига асосланган давлат хўжаликлари тўла тугатилди, жамоалар мазмунан тамомила янги асосда қайта ташкил этилди. Улар ўрнига **учта замонавий шакл — ширкат хўжалиги, фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги тизими таркиб топди. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг худди шу кўриниши эндиликда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асоси ҳисобланади. Улар сафида ўзбек халқининг асрлар давомида таркиб топган менталитетига, меҳнаткаш халқ турмуш тарзига мос келадиган деҳқон хўжаликларининг мустақил ишлаб чиқариш субъекти сифатида мавжуд бўлиши жаҳон аграр фани назарияси ва амалиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда банк, моддий-техника таъминоти, агросервис, молия, солиқ, ташқи иқтисодий алоқалар хизматлари фаолияти бутунлай ўзгартирилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тезда ўз натижасини берди. Собиқ «қизил империя» даврида ҳатто гўшт-сутни ҳам четдан импорт қилиш даражасига тушириб қўйилган Ўзбекистон қисқа фурсат мобайнида озиқ-овқат моллари бўйича четга қарамликдан озод бўлди ва ўзини ўз маҳсулотлари билан таъминлай бошлади. Бу борада пахта яккаҳокимлигидан қутулиш ва ғалла етиштириш бўйича эришилган ютуқни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 мартдаги Фармонига мувофиқ қабул қилинган «1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури»нинг амалга оширилиши эса аграр соҳа тарихида янги саҳифа очди.

Демак, мамлакатимизда қисқа фурсат ичида мустаҳкам, ҳар қандай ташқи ва ички бўҳронларга чидамли, ларзалардан холи ва энг муҳими, меҳнаткаш ўзбек деҳқонининг дастурхонини тўкин қиладиган ҳамда жаҳоннинг энг илғор аграр давлатлари қаторига дадил кириб бораётган қишлоқ хўжалиги асослари яратилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги нечоғли мустаҳкам эканлигини тасаввур этиш мақсадида мисолларга мурожаат қиламиз. 1997 йилда Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида бошланган иқтисодий таназзул дунё давлатларининг жуда катта қисмига ёйилди. Индонезия, Жанубий Корея, Таиланд иқтисодиёти, айниқса, қишлоқ хўжалиги қаттиқ зарбага учради. Бу таназзул наинки Шарқий Европа, Жануби-шарқий Осиё, Лотин Америкаси давлатлари, балки ривожланган бошқа мамлакатларда ҳам иқтисодий ўсиш суръатлари ва аҳоли турмуш даражасининг пасайишига сабаб бўлди. Мазкур бўҳрон оқибатлари туфайли 1998 йил июль-август ойларининг ўзида жаҳон давлатлари 4 триллион АҚШ доллари миқдорида зарар кўрди, миллионлаб одам ишсизга айланди.

(Давоми 2-бетда).

## ОНА ЗАМИН НАФАСИ

### ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИКЛАР

«Халқ сўзи» • «Туркистон-пресс» • «Интернет» •

## Мамлакатимизда



Коллежимиз — фахримиз

**• Музработ туманида "Оқсоқоллар боғи"га асос солинди. А.Набиев номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида тикланаётган ушбу боққа дастлабки кўчатлар экилди. Мазкур боғнинг барпо этилиши "Қарияларни қадрлаш йили"да нуронийлар учун катта совға бўлди.**

**• "Ғаллабанк"нинг Чимбой тумани филиалида "Тадбиркорлар бурчаги" ташкил этилди. Бу ерда тадбиркорлар, деҳқон фермер хўжаликлари раҳбарлари ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб топа оладилар. Шунингдек, ушбу бурчак тадбиркорликка қўл урмоқчи бўлганлар учун ҳам маълумотлар манбаи вазифасини ўтамоқда.**

**• Ўзбекистон Давлат Санъат музейида мусаввир Анвар Бахтиевнинг "Туташ оламлар" деб номланган расмлар кўргазмаси очилди. Кўргазмада рассомнинг 138 та энг сара асарлари намойиш этилаётир.**

**• Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси ходимлари мактаб ўқувчилари ўртасида солиқ қонунчилиги саводхонлиги бўйича танлов ўтказишга қарор қилди. Мазкур танлов илк бор Темирйўл туманида амалга ошириладиган бўлди. Иш кўнгилдагидек самара берса, тадбир вилоятнинг бошқа туманларига ҳам татбиқ этилиши кўзда тутилган.**

**• Балиқчи туман ҳокимлиги ҳамда вилоят атамалар комиссиясининг қўшма қарорига кўра, тумандаги 23-мактабга Ўзбекистон халқ ҳофизи, бастакор Фаттоҳхон Мамадалиев номи берилди. Бу санъаткор хотирасига кўрсатилган яна бир эҳтиромдир.**

**• Шу йилнинг баҳори ва кузида Туркия ҳамда Марокашда электр алоқани ривожлантириш масалаларига бағишланган умумжаҳон конференциялари ўтказилади. Халқаро электр алоқа иттифоқи кенгаши томонидан уюштириладиган бу нуфузли анжуманда мамлакатимиз вакиллари ҳам иштирок этишади.**

## Чет элларда

**• Франция Ташқи ишлар вазирлиги АҚШнинг Гуантанамо (Куба) ҳарбий-денгиз базасидаги 150 та асирнинг икки нафари француз эканлигини тан олди. Бу ҳақда Франция ташқи ишлар вазирлиги вакили Франсуа Ривассо матбуот анжуманида маълум қилди. Унинг айтишича, бу маълумотни Франция ҳукумати томонидан ташкил қилинган махсус комиссия ҳам тасдиқлаган.**

**• Аксилтеррор амалиётларини амалга ошириш борасида Германия Кенияга учта разведкачи самолёт жўнатишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Германия Мудофаа вазирлиги хабар берган. Чунки Кениянинг шарқий қўшниси Сомалида террорчи гуруҳлар бор, деб тахмин қилинмоқда.**

**• АҚШ демократик партияси вакили Альберт Гор сиёсат майдонига қайтиш арафасида турибди. У «Leadership 02» деб номланадиган янги сиёсий қўмита тузишни режалаштирмоқда. Қўмита Горни демократик партиядан АҚШ Конгрессига ўз номзодини кўрсатиш учун тузилмоқда.**

**• БМТ Бош котиби Кофи Аннан жаҳон давлатлари эътиборини 8-24 февраль кунлари АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида ўтказиладиган қишки Олимпиада ўйинларига қаратар экан, — Олимпиада бу сулҳ ёки яраш аҳди дегани, олимпиада гулхани ёниб турар экан, замбараклар жим туриши лозим, — деди.**

**• Нью-Йоркда Жаҳон иқтисодиётига бағишланган анжуман давом этмоқда. Маълум бўлишича, мазкур иқтисодий форум қатнашчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 4 минг нафардан ортиқ полициячи жалб этилган.**

**• Хитойдаги шахталардан бирида юз берган портлаш натижасида 9 киши ҳалок бўлган, 13 киши эса бедарак йўқолган. «Xinhua» ахборот агентлигининг маълум қилишича, жароҳатланган 6 кишидан бирининг аҳволи оғир.**

**• Кувайтда нефть сақлаш омборида кучли портлаш юз берган. Натижада икки киши ҳалок бўлган, 17 киши тан жароҳати олган.**

**• Кеча эрталаб Таиланд пойтахти Бангкокда компьютер заводи биноси қулаб тушган. Натижада 7 киши ҳалок бўлган, 53 киши тан жароҳати олган. Фожеа сабаблари ўрганилмоқда.**



Италия: тарих билан юзма-юз

**Парламент назорати**

# МАҲСУЛОТ СИФАТИ ҚОНУН МЕЗОНИДА

***Аввал хабар берилганидек, Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси яқинда «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун республикамиздаги тармоқ корхоналари томонидан қандай ижро этилаётганини таҳлилий ўрганиб, текширув якунларини ўз йиғилишида кўриб чиққан эди. Хўш, текшириш нималарни кўрсатди?***

***Мажлисда кўрилган масалалар билан танишарканcиз, қўмита қонун ижодкорлигини назорат-таҳлил фаолияти билан қўшиб олиб бораётганига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз. Депутатлар ишчи гуруҳининг хулосасига кўра, «Озиқовқатсаноат» ва «Ёғмойтамакисаноат» уюшмалари тизимидаги корхоналарда юқорида эслатилган қонунни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Булар нималардан иборат? Умуман, ҳар икки тармоқда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ кафолатланганми?***

***Қуйида ана шу хусусдаги фикр-мулоҳазалар билан танишасиз.***

- ***44 хил маҳсулотдан 14 таси меъёрга жавоб бермади.***
- ***«Ўртоқ»нинг конфетлари қани?***
- ***«Тошмаргёғ» 95 минг килограмм сифатсиз маҳсулот чиқарди.***

## Айб фақат ускунадами?

Очиғи, бугунги кунда тўрхалта кўтариб кўчага чиққан харидор учун бирон-бир муаммо йўқ. Дўкон ва бозорлар турли хилдаги мол-маҳсулотлар билан тўла. Хоҳланг, ўзимизникини, хоҳланг, хорижникини сотиб олинг. Фақат пулидан қочмасангиз бас. Шу ўринда оддий бир ҳақиқатни таъкидламасдан илож йўқ. Савдони эркинлаштириш тадбиркорлик фаолияти учун кенг йўл очибгина қолмай, тармоқда янги иқтисодий омилларни юзага чиқариш имконини бераяпти. Бу ҳам бўлса, юртимизда барқарор бўлган тинчлик ва осойишталик шарофатидир.

Энди танамизга ўйлаб кўрайлик. Дўкон пештахталарида кўзни ўйнатиб турган ўша хил-хил маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлиги қонуний меъёрларга тўлиқ жавоб берадими? Бу, шубҳасиз, ғоят жиддий масала. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз истеъмол бозорида «Озиқовқатсаноат» уюшмасининг ўз ўрни ва мавқеи бор. Ҳозирги пайтда уюшма таркибида 2 та концерн, 12 та акциядорлик жамияти ҳамда хорижий инвестиция негизидаги кўпгина қўшма корхоналар мавжуд бўлиб, уларда турли хил истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Барча мулкчилик субъектлари қонун ижросига оид меъёрий ҳужжат ва йўриқномалар билан таъминланган. Уюшма ҳузурида маҳсулот сифати ҳамда таркибини бошланғич назоратдан ўтказувчи марказий лаборатория фаолият кўрсатаяпти.

Мамлакатга келтирилаётган ва олиб чиқилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини «Ўздавстандарт» марказида мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий қилинган. Бу эса истеъмол неъматларининг экологик тозалиги ва хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаяпти.

Гоҳо жойларда «хомашё тақчил, зарур ускуна йўқ», қабилидаги баҳоналарни эшитиб қоласиз. Аслида ҳам шундайми? Бизнингча, йўқ. Бозор сиёсати лоқайдлик ва танбалликни кечирмайди. Зеро, бир шеърда айтилганидек, имкон излаганга имкондир дунё. Мисол учун, уюшма таркибидаги «Лаззат» акциядорлик жамияти жамоаси қонун доирасида фаолият юритиб, асло кам бўлаётгани йўқ. Ҳозирги кунда бу ерда дунёвий андозаларга мос 12 номдаги 60 хил қандолат маҳсулотлари, 4 хил сифатли хамиртуруш ишлаб чиқарилмоқда. Ойлик ва мукофот — тайин. Шу боис, қандолатчилар юқори унум билан меҳнат қилишаяпти.

Таассуфки, ҳамма жойда ҳолат ана шундай, деб бўлмайди. «Ўздавстандарт» маркази томонидан ўтказилган текширишлар давомида тармоқдаги айрим корхоналарда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати белгиланган стандарт ва сертификатлаш меъёрларига мос келмаслиги аниқланди. Кўп ҳолларда сон кетидан қувилиб, истеъмолчи манфаатлари унутиб қўйилмоқда. Исбот керакми? 2001 йилда фаолияти текширилган 13 та корхонадан 7 тасида, жумладан, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси, «Қаршиозиқовқатсаноат» масъулияти чекланган жамият, «Кока-кола» қўшма корхонаси, Хоразмдаги «Наврўзи олам» очиқ акциядорлик жамиятида амалдаги қонун талабларининг бузилишига йўл қўйилган. Яъни, ишлаб чиқарилаётган 44 хил маҳсулотдан 14 таси — 31,8 фоизи белгиланган меъёрларга жавоб бермайди. Хўш, буни қандай изоҳлаш керак?

Бир вақтлар экологик тоза, лаззатли қандолат маҳсулотлари билан тилга тушган «Ўртоқ» қўшма корхонасининг атиги биттагина цехида ширинлик ишлаб чиқарилаяпти, холос. Янги — «Сиз учун» конфети учун тегишли рухсатнома олинмаган. Шу боис, давлат санитария хизмати томонидан мазкур қандолат маҳсулотини ишлаб чиқариш тўхтатилди.

Уюшма таркибидаги «Роҳат» акциядорлик жамиятида хомашёни сақлашда қонуннинг 2-модда, 6-бандида кўзда тутилган талаблар бузилган. «Нема», «Рен-Ко» қўшма корхоналари ҳамда «Дероз» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси мослаштирилган биноларда фаолият юритаяпти. Айниқса, хомашё, озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларнинг таркибий ажратмалари, ёрдамчи ҳамда қадоқлаш материаллари, улардан тайёрланган буюмлардан фойдаланишда қонуннинг 2-модда, 5 ва 6-бандларида белгиланган меъёрларга тўлиқ амал қилинмаётир. Заҳира хомашё сақланадиган ва маҳсулот ишлаб чиқариладиган хоналар антисанитария ҳолатида. Боз устига ушбу корхоналар канализация, иссиқ сув билан таъминланмаган, унни элаш ва хамир тайёрлашда тозаликка қатъий риоя қилинмайди.

Қиссадан ҳисса: қонун талаби ҳамма жойда, ҳамма учун бир. Уюшма раҳбарлари буни ҳамиша ёдда тутишлари лозим. Улар юқорида билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалардан қандай хулоса чиқаришаркин? Энг муҳими шунда.

## Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар

Айтинг-чи, рўзғор эҳтиёжи учун биринчи навбатда нима керак? Топдингиз. Дарҳақиқат, ёғсиз қозон қайнамайди. У тирикчилик учун ҳаётий заруратга айланган. Бинобарин, мамлакатимизда ёғ-мой саноатини ривожлантириш, аҳолининг бу борадаги ўсиб бораётган талабларини тўлароқ қондириш учун барча имкониятлар ҳаракатга келтирилаяпти.

Узоққа бормайлик. «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасига қарашли корхоналарда асосан маҳаллий ва хориж хомашёсидан маҳсулот ишлаб чиқарилади. Қўмита йиғилишида таъкидланганидек, тармоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш, янги техника ва технологияларни жорий этиш юзасидан муайян натижаларга эришилаяпти. Айни пайтда республикадаги 14 та корхонада ёғ-мойни полиэтилен идишларга қадоқлаш йўлга қўйилган. Ишлаб чиқарилган янги хил маҳсулотга қонуний меъёрлар асосида сифат сертификати берилади. Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулотларнинг рўйхати аниқ. 2001 йилнинг ўн ойи мобайнида истеъмолчиларга 151,5 минг тонна тозаланган пахта ёғи, 13,3 минг тонна соя ва 23,3 минг тонна «Ўзбекистон» ёғи етказиб берилган.

Текшириш якунлари муҳокама қилинган ўша йиғилишда — залда мен ҳам бор эдим. Кун тартибидаги масала юзасидан депутатларда зарур гаплар, муҳим фикр-мулоҳазалар тўпланиб қолган экан. «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раисининг муовини саволлар қуршовида қолди. У минбарда туриб, танқид тиғини юмшатишга қанчалик уринмасин, аниқ далиллар олдида лом-лим деёлмади, қизарди.

Бунинг сабаби бор эди. Тармоқда янгиланиш жараёни суст амалга оширилмоқда. Хусусан, юқоридаги қонуннинг ижросини таъминлашга панжа орасидан қаралаётганлиги ачинарлидир. Ўтказилган текширишлар давомида қонунбузарлик ҳолатлари 1999 йилга нисбатан бултур 6 тадан 14 тага кўпайганлиги аниқланди. Чунончи, «Наманганэкстрактёғ», «Каттақўрғонёғмой», «Гулистонэкстрактёғ» акциядорлик жамиятлари, «Акмал» хусусий фирмаси ҳамда «Флорун оил компани» қўшма корхонасида меъёрий талабларнинг бузилишига йўл қўйилган. Буниси ҳам ҳолва. Ишлаб чиқарилган 41 номдаги маҳсулотдан 14 таси ёки 34,1 фоизи стандарт мезонларига мос келмаслигини нима билан изоҳласа бўлади?

Халқимизда «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар», деган доно мақол бор. «Тошмаргёғ» акциядорлик жамиятида содир этилган ҳолат ана шу ҳикматни ёдга солади. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санитария-эпидемиология хизмати томонидан ўтказилган текширишда маълум бўлдики, жамиятга қарашли айрим корхоналарда қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Чунончи, бу ерда 34 номдаги 95421 килограмм сифатсиз маҳсулот сотувдан олиб қўйилди ва моддий жавобгар шахсларга 420 минг сўм миқдорида жарима солинди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, жойлардаги ўсимлик карантини ва ветеринария хизмати ҳудудий бўлимларининг фаолияти суст, икки томонлама тузилган шартномалар тўлиғича бажарилмаяпти. Энг ачинарлиси, аксарият корхона раҳбарлари «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонундан яхши хабардор эмас. Қонунни ўрганиш бўйича амалий тадбирлар белгилаш, ўқув семинарлари ташкил этиш унутиб қўйилмоқда.

Яна бир мулоҳаза. Пойтахтимиздаги марказий бозорлар ҳудудида сертификатланмаган, қўлбола ёғ ва ёғ маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳоллари барҳам берилмаяпти. Ҳолбуки, техник асосда тозаланмаган ёғ саломатлик учун кони зиёндир. Кўча-кўйда сотилаётган сифатсиз қандолат маҳсулотлари ҳақида гапирмай қўя қолайлик. Лаборатория текширувлари уларнинг бир қисми истеъмол учун мутлақо яроқсиз эканлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар икки тармоқда қонун ижросини таъминлаш, истеъмол маҳсулотларининг экологик тозалиги ва хавфсизлигига эришиш учун ҳали кўп тер тўкиш лозим. Буни қўмита йиғилишида сўзга чиққан, баҳс-мунозараларда иштирок этган депутатлар ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишди. Фикримизча, юқоридаги каби ноxуш ҳолатларга йўл қўймасликнинг энг тўғри ва самарали омили битта. У ҳам бўлса, қонунга ва фақат қонунга таяниб иш юритишдир. Зеро, қонун устувор бўлган жойда адолат тантана қилади, кўзбўямачиликка ўрин қолмайди, ислоҳотлар янада жадаллашади.

**Носир ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

чиқилди, улардан 1,2 мингтаси тадбиркорлар фойдасига ҳал этилди.

Республика хўжалик суди идоралари томонидан тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича 4,9 мингта даъво аризаси кўриб чиқилди (2000 йилда — 432 та), уларнинг қарорига кўра айбдорлардан 5,1 миллиард сўм ундирилди (2000 йилда — 3,8 миллиард сўм). Кичик ва ўрта бизнес субъектлари фойдасига давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг 810 нафар мансабдор шахсидан маънавий зарар ва йўқотилган фойда учун 241 миллион сўм ундирилди (2000 йилда 143 нафар шахсдан 38,5 миллион сўм).

2001 йилда 300 мингдан ортиқ ҳуқуқни бузиш ҳолати аниқланди. Текширишлар натижаларига кўра, 627 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 55 нафари эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик тузилмаларига рўйхатдан ўтгандан кейинги даврда лицензия ва рухсатномалар беришда сансоларлик давом этмоқда, тадбиркорларнинг маблағлари ноқонуний равишда сарфланмоқда, тижорат банклари томонидан кредитлар ажратиш жараёнида расмиятчилик ва тартиббузарликлар йўқотилмаган, мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига аралашуви ҳоллари тўхтамаяпти, назорат органлари томонидан ноқонуний текширишлар ўтказиш ҳоллари ҳам мавжуд. Бундай ҳолларга, масалан, Фарғона транспорт прокуратураси, Собир Раҳимов тумани ва Чирчиқ шаҳар солиқ инспекцияси, Қарши шаҳри энергия назорати, Зомин техника назорати инспекцияси, Тўрақўрғон тумани санитария-эпидемиология назорати, бошқа тузилмалар томонидан йўл қўйилган.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан Адлия вазирлигига Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти турларини амалга ошириш учун лицензия ва рухсатнома беришга жавобгар вазирликлар, идоралар меъёрий ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш ва уни “бир жойда рўйхатдан ўтказиш” тамойили асосида соддалаштириш бўйича таклифлар киритиш тавсия этилди.

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига алоқадор вазирликлар билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, шу жумладан, хусусий тадбиркорлар томонидан ер майдони олиш, янги қурилишни ташкил этиш ёки ижарага олинган ва хусусийлаштирилган биноларни тўлиқ таъмирлаш билан боғлиқ меъёрий ва тартибга солувчи жараёнларни соддалаштириш ва арзонлаштириш масаласини ўрганиб чиқиш вазифаси топширилди.

Кенгашнинг кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишчи гуруҳига бошловчи тадбиркорларга бошланғич капиталнинг шакллантириш ҳамда қишлоқ тадбиркорларини кредитлаш учун ажратилаётган кредит маблағларининг қўшимча манбаларига оид масалани ишлаб чиқиш топширилди.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига АҚШ Эксимбанкининг 50 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги кредит линияларини ўзлаштиришни жадаллаштириш тавсия қилинди.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг 2002 йилга мўлжалланган асосий устувор йўналишлари қуйидагича белгиланди:

лицензиялаш тизимини ва рўйхатга олингандан кейинги даврда тадбиркорлик фаолияти кўрсата бошлашни эркинлаштириш;

лойиҳавий молиялаш тизимини ва хорижий кичик технологияларни кредитлаш тизимини ривожлантириш;

кичик ва ўрта бизнеснинг бошловчи субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги шаклларини ривожлантириш, бошланғич капитални шакллантириш учун имтиёзли кредитлашни кенгайтириш;

кичик ва ўрта бизнес субъектларини моддий-техника ресурслари билан таъминлашнинг мустаҳкам тизимини яратиш;

кичик ва ўрта бизнесни ахборот билан таъминлаш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастури ва параметрлари тасдиқланди. Улар Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Марказий банк ва бошқа алоқадор вазирликлар ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорининг ижро этилишига оид масала кўриб чиқилди.

Таъкидландики, умуман тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг янги механизми муваффақиятли ишламоқда ҳамда барча шаҳар ва туманларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича янги ташкил этилган бўлимлар юқорида қайд этилган ҳукумат қарорида белгиланган муддатларда ўз ишини уддаламоқда. Рўйхатга олиш жараёни соддалаштирилиши натижасида 2001 йилнинг 4 чорагида 10,5 мингта кичик ва ўрта бизнес субъекти рўйхатга олинди, бу III чоракдагидан 2,1 мингтага кўп.

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича барча бўлимлар ҳам керакли жиҳозлар, телефон алоқаси, алоҳида бинолар билан таъминланган эмас. Баъзи туманларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларини чўзиб юбориш ҳоллари учрамоқда. Ўрганишлар жараёнида юқоридаги камчиликлар Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида аниқланди, уларнинг ҳудудий комиссиялари раҳбарларига тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимларининг самарали ишлаши учун барча зарур шароит яратишни таъминлаш вазифаси топширилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳудудий бошқарув идоралари раҳбарлари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун шароит яратиш борасида амалга ошираётган ишларнинг тадбиркор томонидан баҳоланиши бўйича ўтказилган ижтимоий сўров натижалари муҳокама этилди. Сўров натижаларидан маълум бўлишича, баъзи вилоят ва туманларда тадбиркорлар ўзларининг масалаларини ҳал этишга ҳокимликлар ва бошқа маҳаллий ижроия ҳокимияти вакиллари томонидан қаратилаётган эътибор даражасидан қониқмаяпти.

Жумладан, улар томонидан ҳокимликларга йўлланган аризаларнинг: Андижон вилоятида 27,9 фоизи, Самарқанд вилоятида 25,3 фоизи, Хоразм вилоятида 28,9 фоизи эътиборсиз қолдирилган. Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида сўралганларнинг 54,3 фоизи туман ҳокимлиги фаолиятини қониқарсиз, деб баҳолади. Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида сўралганларнинг 47 фоизи ва Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида сўралганларнинг 46,6 фоизи ўз туманлари ҳокимликлари фаолиятини қониқарсиз, деб топди.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига кўриб чиқиш ва тегишли чоралар кўриш учун ижтимоий сўров материалларини йўллаш, энг долзарб материалларни республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мазкур масала муҳокамаси натижалари бўйича Адлия вазирлигига қонунчиликни бузиш, тадбиркорлар манфаатларига эътиборсизлик, лоқайдлик, коррупция, сансалорлик ва расмиятчиликка йўл қўяётган маҳаллий ҳокимият органларининг мансабдор шахслари масъулиятини жиддий кўриб чиқиш тавсия этилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# ЛАРЗАЛАРДАН ХОЛИ ИҚТИСОДИЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўша йилнинг август ойида эса яна бир даҳшатли воқеа юз берди — Россия Федерацияси дефолт эълон қилди, яъни давлат молиявий банкрот эканлигини бўйнига олди. Таниқли «Финмаркет» информацион агентлиги маълумотларига қараганда, Россияда мазкур ҳодиса туфайли мамлакат иқтисодиётига етган зарар миқдори 96 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Энг ёмони, оддий халқ қора кунга атаб банкларда умр бўйи йиғиб келган 12 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги жамғарма бир кунда куйиб кетди.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг глобаллашув ҳодисаси юз бераётган бир даврда мазкур ҳодисалар жаҳоннинг аксарият давлатлари иқтисодиётига сезиларли салбий таъсир кўрсатиши табиий эди. Албатта, Ўзбекистон иқтисодиёти мазкур таъсирдан бутунлай холи бўлди, дея олмаймиз. Жаҳон иқтисодчилари ҳам ўз башоратларида бизни таназзулнинг нохуш таъсири ўта оғир кечиши мумкин бўлган давлатлар қаторига киритишганди. Бир қарашда бунинг учун барча асослар ҳам бор эди. Бироқ башоратлар тўғри чиқмади.

Ислом Каримов раҳбарликка келган илк кунлариданоқ бошланган янгича сиёсат туфайли мамлакатимиз деҳқонлари юз минг гектарлаб янги экин майдонларига эга бўлганлиги дунёга маълум. Мазкур ислоҳот Юртбошимизнинг узоқни кўра олувчи давлат арбоби эканлигидан дарак бериб, мустақилликнинг оддий меҳнаткаш халқ онг-шуурига сингган илк меваларидан бири эди. Ер ўз эгасини топгач, мамлакатимизда мева, полиз, сабзавот маҳсулотлари етиштириш миқдорлари кескин ошди. Уларнинг эҳтиёжимиздан ортган қисми асосан Россия бозорларида сотилар эди. Россия фуқароларининг эса дефолт оқибатида турмуш даражаси кескин тушиб кетганлиги туфайли уларнинг мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари харид қилиш имконияти пасайди.

Мазкур ҳодисалар иқтисодиётимизни, биринчи галда қишлоқ хўжалигини эсанкиратиб, боши берк кўчага киритиб қўйиши мумкин эди. Лекин бундай бўлмади. Нега?

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ҳар қандай ташқи таъсирларга чидай оладиган, мустаҳкам қўрғон шаклида қайта барпо этилганлигини бунинг муҳим сабабларидан бири, десак бўлади.

Лекин бош сабаб бошқа эди. **1998 йилга келиб, Ўзбекистон иқтисодиёти мустамлака давлатнинг эмас, балки мустақил давлатнинг иқтисодиётига айланиб улгурган эди. Худди шу ҳолат Ўзбекистон иқтисодиётини, биринчи навбатда қишлоқ хўжалигини муқаррар таназзулдан сақлаб қолди.** Шундай оғир вазиятда ҳам, 1998 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 4,3 фоиз ўсишини таъминлай олганлиги Ўзбекистонда мустақил ва барқарор иқтисодиёт вужудга келганлигидан далолат эди!

Собиқ иттифоқ даврида иқтисодиёт атайлаб бир ёқлама ривожлантирилган, унинг асосини ташкил этадиган тармоқлар миллионлаб кўзга кўринмас иплар билан бошқа давлатлар, асосан Россияга боғлаб қўйилган, қисқаси, улар ёрдамисиз яшай олмайдиган ҳолатда ушлаб турилган Ўзбекистонда мамлакатимиз Президенти бир неча йилда шундай ўзгаришларни амалга ошира олдики, натижада вазият тубдан ўзгарди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодий сиёсати миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда бутунлай қайта ташкил этилди. Ўзбекистон иқтисодиёти шу вақтга қадар асосий шерик бўлиб келган собиқ СССР ҳудудида ташкил топган давлатлар ўрнига жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни йўлга қўя олди.

Қазиб чиқариш тармоқларимизда Россиянинг меҳнат унумдорлиги ўта паст, 30 — 40 йилдан бери ўзгаришсиз қолаётган техника ва технологияси ўрнини АҚШ, Япония ҳамда Европанинг энг илғор машина ва механизмлари эгаллай бошлади. Биргина мисол. Собиқ иттифоқ технологияси ожизлик қилиб, таркибидан олтинни ажратиб ололмаган чиқиндилардан АҚШ билан ҳамкорликда ташкил этилган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси тонналаб қимматбаҳо металл ишлаб чиқармоқда.

Мамлакат иқтисодиёти ва истеъмол бозорининг асосини ташкил этадиган тармоқлар, биринчи навбатда ёқилғи-энергетика, машинасозлик, кимё, металлургия, озиқ-овқат ва бошқа энг зарур кундалик эҳтиёж моллари ишлаб чиқарадиган йўналишлар устувор даражада ривожлантирилди. Бунинг учун юзлаб янги замонавий корхоналар барпо этилди ёки қайта жиҳозланди. Биргина Асакада барпо этилган автомобиль заводининг эҳтиёжлари туфайли ўнга яқин қўшма корхона дунёга келди.

Мустақил иқтисодиётни барпо этиш йўлида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, айниқса, оқиллик билан ва узоқни кўзлаб ўз вақтида ўтказилган таркибий ўзгаришлар натижасида иқтисодиёт бир давлатга қарамликдан буткул озод бўлди, ўз нефтимиз ва ғалламиз билан ўзимизни таъминлай бошладик.

Агар шу даражага етмаганимизда, Россиянинг 1998 йилги ўта оғир аҳволи мамлакатимиз иқтисодиётига кескин зарба бўлиб акс-садо бериши мумкин эди!

Биз, ўзбеклар, улкан қурилиш майдонига айланиб қолган юртимизнинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида тўхтовсиз равишда янги ва янги завод-фабрикалар ишга тушишига ўрганиб қолдик. Автомобиль ва нефтни қайта ишлаш заводлари каби гигант корхоналар қурилди ёки қурилиши давом этмоқда. Уларнинг ҳар бири шўро даврида беш йилликнинг Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши деб аталиши муқаррар эди.

**Натижада бугун Ўзбекистоннинг туман марказлари аксарият Ҳамдўстлик давлатлари вилоятлари марказларидан, вилоят шаҳарларимиз уларнинг ҳатто пойтахтларидан қолишмайдиган, баъзан эса улардан кўркам ва гўзал кўринишга эга бўлиб бормоқда.** Айрим давлатларда янги бино қуриш, айниқса, ишлаб чиқариш корхонаси бунёд этиш ушалмас орзуга айланиб қолмоқда. Хусусий тадбиркор ҳисобига қурилган чойхонани очиш маросимига салкам давлат раҳбарлари ташриф буюраётган қўшни давлатларимизни тушуниш мумкин. Лекин ўз иқтисодий қуввати билан мақтанишни ёқтирадиган Россияда-чи?

2001 йил февраль ойида Кострома вилоятида «Газпром» очиқ акциядорлик жамияти маблағи ҳисобига Волгореченск труба заводи ишга туширилди. Россияда мазкур воқеа салкам фазога космонавт парвоз этгани каби шов-шувга сабаб бўлди. 2001 йилнинг 27 февралида янги завод ишга туширилиши муносабати билан «Труд» газетасида эълон қилинган мақолада айтилишича, мазкур корхонанинг қурилиши Россия иқтисодиётини қайта тиклаш йўлида қўйилган ўта жиддий қадам ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида биз учун оддий ҳолга айланиб қолган бундай қурилишларга Ҳамдўстлик давлатларида бунчалик ҳайрат билан қарашаётганининг сабаби нимада? Ҳамма гап шундаки, уларда сўнгги ўн йилда янги корхона қуриш жараёни бутунлай тўхтаб қолди. Ҳатто Россияда ҳам шу даврда барпо этилган корхоналарни бармоқ билан санаш мумкин...

Мамлакатимиз иқтисодиёти учун яна бир синов 2000-2001 йиллар юз берди. Республикамиз майдонининг катта қисмида XX аср давомида энг оғир қурғоқчилик рўй берди, айрим жойларда экин майдонларини сув билан таъминлаш меъёрга нисбатан 60 — 75 фоизгача кам бўлди.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида таъкидлаб ўтганидек, қурғоқчилик ва сув тақчиллиги оқибатида шимолий ҳудудларимизнинг 50 фоиздан ортиғида экинларни суғоришга имкон бўлмади, ҳатто аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси пайдо бўлди.

Ўта оғир аҳвол Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразмда юз берди. Қорақалпоғистонда қурғоқчилик 2000 йили барча экин майдонларининг 45 фоизида ҳосилни нобуд қилди. Шоли майдонларининг эса 87 фоизида уруғ униб чиқмади ёки кўчат қуриб қолди...

Шимолий ҳудудларнинг қишлоқ туманларида, айниқса, даромаднинг асосий манбаи — пахта, шоли ва чорва ҳисобланган жойларда аҳвол жуда оғир эди. Кўп давлатлар бундай шароитда юз берган ҳодисага қўшиб-чатиб, бутун дунёга жар солишади ва халқаро ташкилот ҳамда бошқа давлатлардан ёрдам сўрашади. Аммо, ҳар доимгидек, Ўзбекистон бу гал ҳам ўз муаммосини ички манбалар ҳисобига ўзи ҳал этди. Тўғрисини айтганда, юртимизда ваколатхоналари мавжуд ташкилотларни истисно этганда, жаҳон ҳамжамияти бизда юз берган мисли кўрилмаган қурғоқчилик ва сув тақчиллиги ҳақида деярли билмай ҳам қолди.

2000-2001 йиллар давомида мазкур ҳодисанинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун кураш ҳукумат, мутасадди вазирлик, идора ва вилоятлар фаолиятининг энг устувор йўналишига айланди, десак муболаға бўлмайди. Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Макроиқтисодиёт ва статистика, Молия вазирликлари, Марказий банк раҳбарлигида қурғоқчилик ва сув тақчиллиги оқибатларини бартараф этиш юзасидан амалга оширилиш зарур бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, ҳукумат қатор қарорлар қабул қилди. Уларга мувофиқ, 2000 йилда қурғоқчилик ва сув тақчиллигидан зарар кўрган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг 41 миллиард сўм қарзи кечиб юборилди, хўжаликларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича, 2001 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 53,0 миллиард сўм, 2000 йил пахта ва ғалла ҳосили ҳисобидан берилган аванслар бўйича қопланмай қолган 15,4 миллиард сўм ҳамда бюджетга тўловлар бўйича 11,5 миллиард сўм қарзлари ҳам кечилди.

2000 йил оғир келганлиги оқибатида объектив суратда пулни тўлаш имконияти бўлмаганлиги учун, хўжаликларга 1998 — 1999 йилларда сотилган техника, минерал ўғитлар, уруғлик, нефть ва газ маҳсулотлари, электр қуввати каби ресурслар ҳамда транспорт, таъмирлаш-таъминот хизматларининг 30 миллиард сўмлик қарзларининг тўлов муддати 8 йилга узайтирилди.

Қурғоқчиликнинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун кураш 2001 йил давомида ҳам ҳукумат ва марказий идораларнинг алоҳида эътиборида турди. Қишлоқ хўжалигига молиявий ёрдам кўрсатиш изчиллик билан давом эттирилди.

Кўриниб турибдики, қурғоқчилик ва сув тақчиллигининг салбий оқибатларини бартараф этиш асосан давлат ва давлат бюджети ҳисобига амалга оширилди.

**Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай катта даражада ёрдам бериш ва мадад кўрсатишга фақат иқтисодиёти барқарор ва ишончли тарзда ривожланаётган давлатгина қодир бўла олади.**

Фавқулодда даражада юз берган қурғоқчилик ва сув тақчиллигининг салбий оқибатлари давлат бюджети ҳисобига бартараф этилган экан, бу аслида мамлакатимиз иқтисодиёти 1996 йилдан бери юқори суръатлар билан барқарор ривожланаётганлиги туфайли кучли молия тизими вужудга келганлигининг самарасидир.

Қурғоқчилик ўта оғир бўлганлиги бир гап, ёмони, у кутилмаганда юз берди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон молияси эсанкираб қолмади, мутлақо кутилмаган офатга қарши кўксини қалқон қилишга қодир эканлигини кўрсата олди.

Масаланинг яна бир эътиборли томони шундаки, **Ўзбекистон давлат бюджетидан ўз деҳқонига кўрсатаётган мисли кўрилмаган миқдордаги молиявий ёрдам қатор қўшни давлатлар халқи жамоа экини у ёқда турсин, ҳатто томорқасини суғоришга кетаётган сарф-харажатни ҳам ўз ҳамёнидан нақд тўлаётган бир пайтда юз бермоқда.** У ёқда даромадни фақат ҳосил пишганда олиши мумкин бўлган деҳқон Оллоҳнинг бебаҳо неъмати бўлган сувни баҳор-ёз ойларида ўз давлатидан сотиб олишга маблағи бўлмаслиги ҳеч кимни қизиқтирмаяпти.

Кези келганда, шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, хорижлик айрим экспертлар давлат қишлоқ хўжалигига ёрдам бериши бозор иқтисодиёти талабларига зид, деҳқонларда боқимандалик кайфияти туғилишига сабаб бўлади, дейишади. Мен уларнинг фикрига қўшила олмайман. Ривожланган давлатлар аввал ҳам, бугун ҳам ўз деҳқонини турли йўллар билан қўллаб-қувватлаб келмоқда, ҳимоя қилмоқда.

Содир бўлган фавқулодда ҳолатда деҳқонга ёрдам бермаслик ўз давлати илдизига болта уриш билан баравар эди. Кичик бир мисол. Мен аввал ҳам қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланган эдим. Лекин бевосита Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ишлай бошлагач, мазкур соҳанинг нақадар кенг ва мураккаб эканлигини янада чуқурроқ тушуна бошладим. Айтмоқчи бўлган фикрим шуки, узоқ хориждан энг нуфузли халқаро банк ёки валюта ташкилотларининг вакили сифатида Ўзбекистонга келган мутахассис, ҳар қанча билимдон бўлмасин, йилига 2—3 марта 5—6 кундан иборат хизмат сафари давомида 25 миллион халқ яшайдиган катта бир давлатни чуқур ўрганиб олиши жуда мушкул. Маслаҳатчиларнинг маслаҳатлари ўз йўлига, лекин ҳар бир давлат ва унинг раҳбарияти ўз муаммоларини ўзи ҳаммадан яхши билади. **Кимга, қачон ва қай тарзда ёрдам бериш ҳар давлатнинг ички иши ва уни ўзи ҳал этиши мақсадга мувофиқ эканлигини ўта оғир, мураккаб ва айни пайтда пайсалга солиш мутлақо мумкин бўлмаган ҳолатда Ўзбекистон раҳбарияти амалга оширган тадбирлар ва уларнинг натижалари яна бир бор исботлади.**

Ўзбек деҳқони 1998 ва 2000 — 2001 йилларда юз берган ташқи ва ички ноxуш ҳодиса туфайли Ҳамдўстлик давлатлари ичида энг кучли ҳимояланган деҳқон эканлигини яна бир бор кўрди. Тўғри, деҳқонимиз рўзғори немис ёки голланд деҳқони даражасига етиши учун ҳали анча бор, турмуш ташвишлари ҳам етарли. Лекин, энг муҳими, у юртининг келажагига ишонади. Бу мақсадга эришиш учун амалга оширилаётган чора-тадбирларни ўз кўзи билан кўриб турибди.

Шу ишонч бугун барча ўзбек деҳқонларини далага чорламоқда. 2002 йил мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида улкан муваффақиятлар даврининг бошланиши бўлиши учун зарур барча шарт-шароит пишиб етилди, дейишга тўла асос бор. Негаки, Мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди, унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликлари қоматларини ростлаб бўлишди, бошқарув замонавий талаблар асосида ислоҳ қилинди. Анча-мунча давлатнинг қаддини букиб қўя оладиган даражада юз берган иқтисодий таназзул, қурғоқчилик ва сув танқислигининг салбий оқибатларини бартараф этиш каби ҳолатларда юртимиз ўз салоҳиятини яна бир бор намойиш эта олди.

Оғир синовларга бардош бера олган, асослари мустаҳкам барпо этилган жамиятнинг келажаги порлоқ ва умри боқий бўлиши эса тарихий ҳақиқатдир!

**Одил ОЛИМЖОНОВ,**
**иқтисод фанлари доктори,**
**профессор.**

*Боқий қадрият*



***Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳозирги замонда дунё жамоатчилиги томонидан энг илғор демократик тамойилларга амал қилувчи, илоҳият ва дунёвийликни инсонпарвар нуқталарда туташтирган, жаҳонда энг кўп мухлисга эга бўлган Хожагони Нақшбандия тариқатининг асосчисидир.***

# Тариқат сарҳалқаси

Хожа Абдулҳолиқ 1103 йилда Ғиждувон шаҳрида имом Хожа Абдулжамил Румий оиласида туғилган. Улар Имоми Молик авлодидан бўлиб, Рум подшоҳлари авлодига ҳам мансубликлари бор. Хожа Абдулҳолиқ тақводор хонадонда, мусулмон муҳитида ўсиб улғайган. Унинг отаси — зоҳирий ва ботиний илмлар алломаси — имомлик қилган. Хожа Абдулҳолиқ Хизр алайҳиссаломнинг савоба фарзанди ҳисобланган. Хизр алайҳиссалом Хожа Абдулжамил Румийнинг тушига кириб, у Бухоро шаҳрига боражаги, у ерда обрў-эътибор қозониб, ўғил кўриши, туғилган ўғлига Абдулҳолиқ дея муборак ном беришини башорат қилган. Тўққиз ёшида Қуръони каримни ёд олган Абдулҳолиқ ўн ёшида дарвешларнинг зикр тушиш маросимларида қатнаша бошлаган. У Бухоройи шарифда таҳсил оларкан, тафсир илмининг султони, ўша даврнинг машҳур олими Имом Садриддиндан тафсир илмини мукаммал ўзлаштирган.

Бутун ҳаётини Оллоҳ йўлига бағишлаган Ғиждувоний йигирма икки ёшида Бухоройи шарифда ва бутун Шарқ оламида шуҳрат қозонган «шайх уш-шуюх» (шайхлар шайхи) Абу Ёқуб Юсуф Ҳамадоний билан учрашади ва унинг муридларидан бирига айланади. Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Абдулло Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий биргаликда шайх Юсуф Ҳамадонийнинг Бухородаги тасаввуф мактабида таҳсил олганлар. Ғиждувонийга сўфийлик хирқасини Юсуф Ҳамадоний кийгизган. Таҳсилдан сўнг шогирдлардан Аҳмад Яссавий Туркистонга бориб тасаввуфнинг Яссавия тариқатини, Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонга бориб тасаввуфнинг Хожагон тариқатини ривожлантирганлар.

Хожа Абдулҳолиқ устози Юсуф Ҳамадонийдан ўрганган илмини ривожлантириб, «Рисолайи соҳибия», «Рисолайи шайх уш-шуюх ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний», «Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний», «Аз гуфтори Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний» каби илмий-маърифий асарлар яратиб қолдирган. Хожагони Нақшбандия тариқатидаги «Дил ба ёру даст ба кор», «Ҳуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар ватан», «Хилват дар анжуман», «Ёдкард», «Бозгашт», «Нигоҳдошт», «Ёддошт» каби асосий ғоя ва қонун-қоидаларни Хожа Абдулҳолиқнинг увайси шогирди Баҳовуддин Нақшбанд яна давом эттирди. Янги тариқат асосчиси сифатида Хожа Абдулҳолиқ «тариқат сарҳалқаси» (яъни, тариқат занжирининг биринчи халқаси) дея таъриф олган.

У 1179 йили 76 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Унинг қабри Ғиждувон шаҳри марказида, онасининг оёқ томонида. Ушбу мақбара асрлар оша мусулмон оламининг табаррук зиёратгоҳига айланган. Ўз замонасида Улуғбек Мирзо бу мақбарани икки марта зиёрат қилган. Унинг атрофида масжид ва мадраса қурдирган. Бир замонлар зиёратгоҳ ёнида чиллахона, қирқ зинали нарвон, тошқудуқ бўлган экан. Масжид, мадраса ва чучук сувли тошқудуқ ҳозиргача сақланган.

Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг зиёли шахсияти ва мукаммал илмий-маърифий салоҳияти миллий маънавиятимизнинг безавол чинорларидан ҳисобланади. Маънавиятимизнинг тафаккур хазинасига у ҳадя этган ғоялар, яратиб қолдирган тариқати ва асарлари бугунги миллий истиқлол мафкурамизнинг муҳим илдизи ҳамда манбаларидандир десак муболаға бўлмайди.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**филология фанлари доктори.**

**ҲИКМАТ**

***Виждон билан, ҳақиқат билан, ростлик билан кучлидир инсон.***





*Тасвирий ва амалий санъат*

# Гўзаллик ошиёни

***Тошкентнинг қоқ марказида, шаҳар ҳокимиятининг янги биноси ва Курант ёнбошида миллий услубда қурилганлиги билан кўзга ташланувчи бир ғиштин бино бор. Кошинкор пештоқлари, ўрта асрларга хос шарқона кўриниши ҳар қандай йўловчини бир зум ўйга толдиради: ичкариси ҳам шундай гўзалмикан?***

***Замонавий санъат маркази деб номланган ушбу даргоҳда ўтган йилнинг сентябридан бошлаб музей ишлари бўйича ихтисослаштирилган муассасалардан бири, Ўзбекистонда ва хорижда бадиий кўргазмалар ташкил этувчи Бадиий кўргазмалар дирекцияси фаолият кўрсатмоқда.***

Бош директор, Ўзбекистон халқ рассоми Собир Раҳметов билан суҳбатимиз миллий ва замонавий санъатнинг ҳаётдаги ва ёш авлод тарбиясидаги ўрни хусусида бўлди.

**— Аввало, ўтган-кетганнинг эътиборини тортиб турувчи мана шу бинонинг тарихига бир назар ташласак.**

— Бино 1934 йилда ўзбекистонлик меъморлар К.Бабиевский, А.Петелин лойиҳаси, рассом-этнограф В.Розвадовский ғояси билан қад кўтарган. Умумий майдони 1500 кв. метр. Ёруғ заллардан иборат бўлган кўргазмалар павильони захира хонасига туташ бўлиб, бир томондан шаҳарнинг энг эски автотрассасига чиқилади, иккинчи тарафи эса истироҳат боғига қўшилиб кетган. Маъмурий хоналар бинонинг юқори қисмида, равоқ пештоқи устида жойлашган. Пештоқни безаб турувчи ноёб ўймакор эшиклар тошкентлик Усто Ҳожи Ашур ва Усто Рауф каби таниқли усталар бошчилигида ишланган.

Бу ерда турли даврларда атоқли ўзбекистонлик рассомлардан А.Волков, Усто Мўмин, Ў.Тансиқбоев, А.Сиддиқий ва бошқалар ўз асарларини намойиш этганлар. Кўпгина истеъдодли рассомлар ва халқ усталари ўз ижодлари намойишларини шу ердан бошлашган.

40 — 50-йилларда бу бинода Ўзбекистон халқлар тарихи музейи экспозицияси жойлашган. 1960 йилдан бошлаб, республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ, замонавий санъатни Ўзбекистонда ва бошқа жойларда кенг оммалаштириш мақсадида ташкил этилган Бадиий кўргазмалар дирекцияси ихтиёрига ўтказилди. Бино маълум вақт Давлат санъат музейи коллекциясига ҳам бошпана бўлди. 1974 йилда яна Марказий кўргазмалар салонига айлантирилди. Ўтган йиллар мобайнида Марказий Осиё ва Кавказорти, Болтиқбўйи ва Украина Республикаларининг, Россиянинг Третьяков давлат музейи бисотидан санъат асарлари кўрсатилди.

Дирекция томонидан ўтказилган тадбирлар орасида ЮНЕСКОнинг уй-қароргоҳида мустақил Ўзбекистон санъатига, Амир Темур таваллудининг 660, Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишлаб ташкил қилинган кўргазмаларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Дирекция анчадан буён республикадаги кўпгина музейлар ва галереялар билан ҳамкорлик қилиб келган. Вақти-вақтида уларга бадиий қийматга эга асарлар тортиқ этган. Унинг жамғармасидаги 4 мингдан ортиқ экспонат Тошкент Давлат санъат музейига, Самарқанд, Бухоро, Фарғона музейларига топширилган. Унинг ташаббуси билан энг узоқ минтақаларда янги музейлар ва картина галереялари очилган.

1997 йилдан эътиборан Президент Фармонига биноан Бадиий кўргазмалар дирекцияси аввалги махсус музей муассасаси мақомини сақлаган ҳолда Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфига ўтказилди.

**— Бугунги кунда бадиий кўргазмалар дирекцияси қай тартибда ишламоқда?**

— Замонавий санъат марказини очгунча жуда катта ташкилотчилик ва ташвиқот ишлари олиб борилди. Қайта қуриш ва таъмирлаш ишларини бажаришга 2,5 йил кетди. Чунки бино кейинги йигирма йилда фойдаланилмасдан ташландиқ ҳолга келиб қолганди.

Бугун бу ерда ўзбек тасвирий ва амалий санъатининг 1960 йилдан то шу кунгача бўлган намуналари ҳамда уларга доир ҳужжатлар сақланади. Ҳозирда 15 мингга яқин санъат асари бор. Улар Ўзбекистон тасвирий санъатининг XX аср иккинчи ярмига мансуб барча тур ва жанрларини, халқ амалий безак санъатини ўз ичига олади. Бу республикадаги энг йирик санъат хазинасидир. Истиқлолнинг ўн йиллиги арафасида марказимиз «Энг улуғ, энг азиз» деб номланган кўргазма билан очилиши катта байрамга айланиб кетди.

Дирекция ҳар йили республика ва халқаро миқёсда 40-50 тага яқин турли хил кўргазмалар ташкил этади. Бу ташкилотни Ўзбекистон санъатининг чет элдаги вакили ва хориж санъатининг республикамиздаги тарғиботчиси деб атасак, адашмаган бўламиз.

Кези келганда ҳукуматимизнинг бу соҳага эътиборини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Марказ давлат маблағи ҳисобидан бисоти учун энг яхши санъат асарларини сотиб олади. Рассомлар ва халқ усталарига эса янги асар яратиш учун буюртма беради. Музей ва кўргазма амалиётига доир турли хил ишларни таъмирлайди ҳамда экспертиза ишларини олиб боради.

Таъмирлаш жараёнидан сўнг бу ерда бадиий салон-дўкон, кафе-бар маърузачилар хонаси ва кутубхона очиш имкони туғилди. Энг муҳими, кўргазма заллари кўп. Бу бир пайтнинг ўзида бир неча кўргазма ташкил этиш демакдир. Санъат шинавандалари учун қулайлик ҳам. Улар бир йўла бир неча кўргазмани томоша қилиб ҳам вақт тежашади, ҳам маънавий-руҳий озуқа олишади. Уларни, айниқса, «айланма зиналар зали»да ўтказиладиган тематик концерт-кўргазмалар, Мустақиллик ва Наврўз байрами кунларида истироҳат боғига туташиб кетувчи кўргазмалар залида очиладиган намойишлар қизиқтириши табиий. Шунингдек, ижод аҳли билан учрашувлар ўтказиш, суҳбатлар-у кўчма кўргазмалар ташкил этиш анъана тусини олган. Музейлар ва картина галереялари ходимлари билан ижодий ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган.

**— Марказнинг бу йилги режалари билан таништирсангиз.**

— Йил давомида 45 та кўргазма намойиш этилади. Ёш ижодкорлар билан ишлаш, янги йўналишда ижод қилаётган рассомларга ёрдамлашиш доимий ишимизга айланган. 4 та элчихона, қатор университетлар билан шартномалар туздик. Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларига шу ерда амалий дарслар ўтилишини дастуримизга киритдик. Мактаб ўқувчилари, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ҳам эътиборимизда. Уларнинг иқтидорлилари ўз асарлари билан «Болалар кўргазмаси»да иштирок этишлари мумкин.

Биз рассомларда «пленер» деган ибора бор. Бу рассом ижодхонада эмас, балки табиат қўйнида ишлайди маъносини англатади. Оқтошда ана шундай тадбир ўтказиладиган базамиз бор. Ўтган йили кузда ўзбекистонлик ижодкорларнинг 1-пленери уюштирилди. Бунда мусаввирнинг нималарга қодирлиги аён бўлади, қолади. Олдиндан ўйлаб, пишитиб, чизиш бошқа, тўсатдан тасвирлаш бошқа. Бу йил халқаро пленер ўтказишни мўлжаллаб турибмиз. Дирекция қошидаги Тошкент фото уйи фаолиятини ҳам биз бошқариб борамиз. Турли мавзудаги фотосуратлар кўргазмалари ва кўрик-танловлар халқимиз маънавияти, маданиятини юксалтириш учун хизмат қилади, деб ўйлайман.

**— Ишлар-ку ёмон эмасга ўхшайди. Муаммолар ҳам бордир?**

— Албатта. Вақт топдим дегунча, залларни бир айланиб чиқадиган одатим бор. Мухлислар ичида ёшлар кам. Чипта нархи атиги 200 сўмгина, холос. Талабаларга эса бепул. Эҳтимол, тарғибот ишларимиз ҳозирча оқсаб тургандир, деган хаёлга бораман. Ҳар қандай санъат асари — гўзаллик. Уни одам боласи қалбига ёшликданоқ сингдириш ҳаётни, жамиятни, дунёни гўзаллаштирмоқ демакдир. Гўзаллик кирган юракларда гўзал орзулар ва гўзал мақсадлар туғилади.

Чиндан-да шундай! Бу даргоҳ миллийлик билан замонавийликни, ўтмиш билан келажакни бир нуқтада туташтирувчи гўзаллик ошиёнидир.

**«Халқ сўзи» мухбири Гулчеҳра Йўлдошева суҳбатлашди.**




## САВОЛ БИЗДАН...

**Товуш тезлиги баландликда камаядими ёки кучаядими?**

136-35-60

**Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:**

Юпитернинг 16 та йўлдоши бор. Энг йириги Ганимед, радиуси 2631 километр.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

"АСАКА" БАНКИ

2002 йил 1 февралидан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини такроран 30%дан 50%гача камайтирганлигини эълон қилади.

"Асака" банки сизни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди!

Маълумот учун телефонлар: 120-83-83, 120-81-62, 120-82-98, 120-82-66.
Манзилимиз: 700015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67-уй.
Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида жойлашган.

5277/181

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник касалхонаси жамоаси касалхона бош врачи, республикада хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати

**Тоҳир МИРОДИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси «Шарқий Ўзбекистон» давлат геология корхонасининг бош директори Рустам Қосимовга онаси

**Муҳаббат ҚОСИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

М.Улуғбек технология касб-ҳунар коллежи жамоаси коллеж директори муовини Абдураҳим Пардаевга волидаи муҳтарамаси

**ШАРОФАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор

**Илёс АКБАРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси жамоаси меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор

**Илёс АКБАРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси Агроэкология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги кафедраси мудири, профессор Норали Норбоевга акаси

**Шерали НОРБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**

*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 83, 34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди —23.40*
1 2 3 4 5 6